



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 24 февраль, № 39 (5206)

Пайшанба

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Эл саломатлигига эътибор

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Нукусдаги республика онкология диспансери қиймати 350 миллион сўмлик "АГАМ-Р1" русумли замонавий ускуна билан таъминланди.

Эндиликда шифо масканида ушбу жиҳоз ёрдамида нафақат хасталикларга аниқ ва тезкор ташхис қўйиш ва олдини олиш, ҳатто уларнинг оғирлашган турларини ҳам самарали даволаш имконияти юзга келди.

Эътироф этиш керакки, 2010 йилда Оролбўйидаги тиббиёт муассасаларида 9 миллиард сўмликдан ортик капитал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, улар 2 миллиард 847 миллион сўмлик замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги имконият — мўл даромад

СУРХОНДАРЁ. Узун туманидаги "Галлинар" корхонасига хориждан келтирилган 200 минг АКШ долларлик замонавий технологиялар ўрнатилган, бу ерда саноат усулида парранда парвариши йўлга қўйилди.

Айни пайтда 50 мингдан зиёд товуқ боқилаётган корхонада қисқа муддатда бир миллион донага яқин тухум ва 12 тоннадан ортик пархез гўшт маҳсулотлари аҳоли дастурхонига етказиб берилди. Эътиборлиси, ҳозир туманда паррандачиликка ихтисослаштирилган корхоналар сони 5 тага етди.

Н. ТЕМИРОВ.

Қувват орди, сифат яхшиланди

АНДИЖОН. Асака туманидаги "Асакатекстиль" масъулияти чекланган жамиятида лойиҳа қиймати 515 минг АКШ долларлик техник ва технология янгиликлар амалга оширилди.

Натижада бу ерда йилга қўшимча 500 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти юзга келди. Мухими, маҳсулот сифати яхшиланиб, корхонанинг хориж бозоридаги мавқеи янада мустаҳкамланди. Хусусан, "Асака-текстиль" жамоаси 2010 йилда умумий қиймати 17 миллиард сўмлик маҳсулотнинг 91 фоизини экспорт қилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТНИ ҲУҚУҚИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ДАСТУРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз томонидан эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Зеро, ушбу Концепция давлатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасидаги изчил демократик ўзгаришларни сифат жиҳатидан янги, юксак босқичга кўтаришга қаратилган дастурий ҳужжатдир. Унда, айниқса, бутун жамиятимизни, мана шу саховатли заминимизда умргузаронлик қилаётган ҳар бир ватандошимизни ҳаётбахш янгиликлар билан қўриқиб, фаол қатнашишга ундайдиган улғу мақсадлар белгилаб берилгани ниҳоятда аҳамиятлидир.

Концепцияда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар чуқур таҳлил қилинган. Айни пайтда унда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Концепцияда илгари сурилган йўналишлар асосий стратегик мақсадимизга эришишга, яъни иқтисодий барқарор ривожланиб бораётган ҳамда бутун дунёда ҳурмат-эътибор қозонган, инсон, унинг ман-

фаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, балки амалда олий қадрият саналган адолатли фуқаролик жамияти ҳамда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилгани билан алоҳида эътиборга сазовордир.

Табиийки, Концепцияда кўзда тутилган энг муҳим устувор йўналишлар, улкан вазифаларнинг мазмун-мо-

ўзиёқ фикримизнинг нечоғли тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Президентимизнинг жорий йил 24 январда Брюсселга қилган ташрифи чоғидаги мулоқотларда Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозо Европа Иттифоқи раҳбарияти ушбу Концепцияни ҳаётга татбиқ этишда, жумладан, жамиятни демократлаштириш жараёнларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий аҳамиятга молик лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришда барча зарур ёрдамни кўрсатишга тайёр эканини тасдиқлади. Бу ҳам Концепциянинг Европада қандай катта эътибор ва қизиқиш билан қабул қилинганини яқол кўрсатади.

Ушбу дастуриламал ҳужжатда белгиланган вазифаларни тўла-тўқисинга қўриқиб, албатта, фуқароларимиз сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишнинг аҳамияти беқиёсдир. Табиийки, сиёсий-ҳуқуқий маданият ўз-ўзидан юксалиб қолмайди, бунинг учун жамият ўз олдига қўйган мақсадлар сари тинимсиз интилиб яшаши керак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, мустақиллик — бу, аввало, ҳуқуқдир. Яъни мустақиллик сўзининг замирида улғу бир ҳуқуққа эга бўлиш, деган тушуна муккасданми.

(Давоми 2-бетда).

Исроилнинг нуфузли нашрларидан бири "Менора" газетасининг махсус иловаси сифатида нашр этилган журналда газета баш мухарири Эстер Сегалнинг "Ўзбекистон — гузал мамлакат" сарлавҳали мақола-си чоп этилди. Журнал саҳифалари Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари акс этган ранг-баранг фотосуратлар билан безатилган.

«ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТДИ»

Мақолада Ўзбекистон ўзбек халқининг "турли миллат мансуб миллионлаб инсонларга нисбатан олижаноблик ва меҳмондўстлик кўрсатгани боис Яратганнинг марҳаматига сазовор бўлган мамлакатдир, зеро, республиканинг сўнгги йилларда эришган салмоқли ютуқлари бунинг ёрқин далили бўла олади", дея таъкидланади.

Муаллифининг ёзишича, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган пайтдан бери "Президент Ислам Каримов мамлакат ўзи танлаган тараққиёт моделига асосланган ҳолда ривожланишини маълум қилди. Қуйида ушбу қарорнинг тўғрилигини исботловчи бир мисолга эътибор қаратиш жоиздир.

2008 — 2009 йилларда оғир кечган молиявий-иқтисодий инқироз бутун дунёни ларзага солди. Иқтисодий бўҳрон энг авжига чиққан паллада, яъни 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиш суръати 8,1 фоизга ўсди.

2010 йил якунига кўра, иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичи 8,5 фоизни ташкил этди. Бу натижа Европа ва бошқа қитъаларда юз бераётган воқеаларни инобатга олганда, энг яхши кўрсаткичлардан биридир.

"Менора" газетаси баш мухарирининг таъкидлаши-

лишлари ва Шарқнинг бой меъморий меросини ўзида муккасдан этган қўллаб маҳаббатли иншоотларни мисол сифатида келтириш мумкин. Кенг ва раvon кўчалар, юзлаб янги мактаблар, коллежлар, маданият саройлари ва ижодиёт уйлари ҳам шулар жумласидандир.

Эстер Сегаль ўз мақола-сида Ўзбекистоннинг энг олис ва чекка қишлоқларида ҳам аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш марказлари мавжудлиги, тарихий ёдгорликлар таъмирланиб, янгидан қад рост-лаётгани, миллий маънавий қадриятларни тиклаш йўлида улкан ишлар амалга оширилётгани ҳақида ёзади.

"Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йили давомида асрларга татигулик йўлини босиб ўтди. Унга янгидан-янги зафарлар ва марраларни забт этмоғини тилаб қоламиз," дея ўз фикрига яқин ясайди муаллиф.

«Жаҳон» АА.
Тель-Авив

Дунё нигоҳи

ча, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистон глобал инқироз оқибатларини муваффақиятли енгиб ўтгани ҳолда, бундай юқори кўрсаткичларга эришган мамлакатлар рўйхатига киритилган. Бу, ҳақиқатан ҳам, энг юксак эътибордир.

Муаллифининг фикрича, бирон бир давлатга таъриф беришда унинг пойтахти, шаҳар ва қишлоқларига эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистонда диққатга сазовор жойлар кўп. Бунга мамлакатдаги замонавий архитектуранинг энг илгор йўна-

БАРКАМОЛ АВЛОД

эзгу мақсадларга эришнинг таянчи ва суюнчидир

Соғлом авлод — соғлом келажак. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун катта эътибор берилётганининг мазмун-моҳияти шу билан белгиланади.

Болалар спорти

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Ёшларимизнинг дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган вояга етиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ўз олдида мақсад қилиб қўйган марраларга кўтарилиши, бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга майдонни кенг очиб бериш мақсадида қабул қилинган умум-миллий дастурларимиз, режаларимиз ва саъй-ҳаракатларимиз бугунги кунда самарали натижаларни бера бошлаётгани барчамизни қувонтиради, албатта".

Бу йўлда Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги Фармони асосида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди. Утган вақт мобайнида жамғарма республикамизнинг барча ҳудудларида жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техник базасини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш, умумий ўрта таълим мактаблари қошида, шунингдек, аҳоли яшаш жойларида замонавий спорт мажмуаларини барпо этиш, уларни бугунги кун талабларига мос спорт анжом-



лари билан жиҳозлаш, ушбу иншоотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш каби қатор вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Бу эзгу саъй-ҳаракатлар ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шубҳа муайян ҳуқуқий асосга эга давлатлар дунёда камдан-кам. Улардан бири, шубҳасиз, Ўзбекистондир. Бу ҳақиқат халқаро майдонларда ҳам бир неча бор эътироф этилган. Президентимизнинг 2008 йил 2 июндаги "2008 — 2012 йилларда Ўзбекистон Рес-

публикасида болалар сув спортини ривожлантиришнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2010 йил 15 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар музика ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмир-

лашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида"ги, 1 апрелдаги "Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 5 майдаги "Болалар спорти объектидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларининг бу борадаги аҳамияти беқиёс.

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда юзлаб, минглаб саноат корхоналари, ижтимоий иншоотлар, тураржой бинолари, кенг ва раvon йўллар, кўприklar бунёд этилиб, улар халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Албатта, бундай катта бунёдкорлик ишларини қурилиш ашёларисиз, унинг таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

КЎРКАМ БИНОЛАР

қишлоқларимизга файз бағишламоқда

Шу боис юртимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва таъминотини яхшилаш мақсадига алоҳида эътибор қаратиш керак. Айниқса, уй-жойлар бунёдкорлигига қурилиш ашёлари етказиб бериш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

молик ишлар амалга оширилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, ўтган йили вилоятда 592 минг квадрат метрдан зиёд, шу жумладан, қишлоқ жойларда 559,3 минг квадрат метр тураржой бинолари барпо қилинди. Жорий йилда яна 586,8 минг квадрат метр, қишлоқ жойларда эса 566,8 минг квадрат метр яқка тартибда уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Мазкур режаларни амалга ошириш учун, албатта, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва турларини кўпайтириш, соҳага замонавий технологияларни жалб қилиш талаб этилади.

Қарор ва ижро

Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоқ материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори тармоқни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Хусусан, Хоразм вилоятида мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, эътиборга

ишлатилган. Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоқ материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори тармоқни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

(Давоми 2-бетда).

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги қошидаги Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини таркибий ўзгартириш лойиҳасини амалга ошириш агентлигининг Қашқадарё вилояти филиали ташаббуси билан деҳқон ва фермер ҳўжаликлари раҳбарлари, қишлоқ ҳўжалиги ходимларининг худудий ўқув-семинари ташкил этилди.

Мазкур тадбир "Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш, 2-босқич" лойиҳаси доирасида ўтказилди.

— Семинарда янги боғ ва тоқзорлар, хусусан, интенсив боғлар барпо этиш, мевали дарахтларнинг янги навларини парваришлаш технологияси ҳамда суғоришда тежамкор усуллари қўллаш буйича ўтказилган машғулотлар биз, фермерлар учун жуда фойдали бўлди, — дейди Нишон туманидаги "Эшқобил-Келдиёр" фермер ҳўжалиги раҳбари Одил Эшқобилев. — Бундан ташқари, ўқув жараёнида бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотишнинг ҳуқуқий ҳамда уларни солиққа тортиш борасидаги билимларимизни ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан бойитдик.

публикамиздаги етатчи илмий тадқиқот институтларининг олим ва тажрибали мутахассислари томонидан етти йўналиш бўйича олиб борилди. Шулардан бири қишлоқ ҳўжалиги экинларини турли касаллик ва зараркундалардан муҳофаза қилиш масаласидир.

Сабаби, мутахассисларнинг таъкидлашича, кейинги йилларда асосий қишлоқ ҳўжалиги экинларининг касалликлари ва зараркундаларни кўпайиб бормоқда. Шу боис семинарда фермер ва деҳқон ҳўжаликлари раҳбарларига ҳосил қушандларига қарши курашим, бу борада биологик ва кимёвий химоя усулларидан самарали фойдаланиш бўйича атрофчила маълумотлар берилди. Бу уларнинг келгуси фаолиятида қўл келадиган, албатта.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўқув машғулотлари рес-

ИЖОДКОР ВА ЗАМОН

Мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, улар қалбида Ватанга садоқат, қадриятларга чуқур эҳтиром туйғусини сингдиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, ёшлар орасидан ҳақиқий иқтидор эгаларини излаб топиш ва уларни рағбатлантириш, интеллектуал салоҳиятли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида беқиёс ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ижодкор ёшларга қаратилаётган юксак ғамхўрлик ва эъзоз ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Хабарингиз бор, 2010 йилда Президентимизнинг "Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон

қилинган эди. Унда ижод аҳли учун катта имконият ва имтиёз берилганлигини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганда, қарорда кўзда тутилган вазифалар бўйича беқиёс ўзгариш ва янгиликлар кўзга ташланди. Давлатимиз раҳбарининг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, кел-

Маънавият

жакка эътибор" номли асарига шундай дейилади: "Таъбир жоиз бўлса, одам ёзувчилик касбини танламайди, аксинча, бу касб ёзувчининг танлайди. Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини му-

носиб кадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур". Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчасида бўлиб ўтган давра суҳбатидан ана шулар ҳақида сўз борди. Унда уюшма раиси Бобур Алимов, Ўзбекистон халқ шoirлари Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир ва бошқалар Юртбошимизнинг ижод аҳлига кўрсатаётган юксак эътибори, ёшлар орасидан ҳақиқий иқтидор эгаларини кашф этиш борасидаги улкан ғамхўрликларини алоҳида эътироф этилди. Таъкидлаш жоизки, юқорида

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТНИ ҲУҚУҚИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ДАСТУРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражада бўлиши ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини ўзига хос хусусиятидир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига чуқур синган ва уларни ижро этиш даражаси юксалган тақдирдагина, ҳуқуқнинг яшаш ва рўйга чиқиши реал аҳамият касб этади. Афсуски, ҳали-ҳануз баъзи одамларнинг ҳуқуқий онги, маданияти етарли даражада эмаслиги боис жамиятда адолат мезонларининг бузилшига олиб келаётган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Концепцияда белгиланган гоълар мана шу нуқсонларни исчи бартафари этишга ҳам йўналтирилган.

Айни чоғда юртимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини амалга ошириш бўйича ишларни фаоллаштириш масаласини ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора катъий қилиб қўймоқда. Чунонки, фуқаролик жамияти институтларининг яхлит тизимини ривожлантиришни, унинг мамлакатни, маъмурий-ҳудудий тузилмаларни бошқариш жараёнига уйғун равишда интеграциялашувини таъминлаш зарурати мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, юртимизда фуқаролик институтларини шакллантириш ва эркин ривожлантириш, уларнинг жамиятнинг демократик ўзгартириш ва либераллаштиришида фаол иштирокини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, иқтисодий-ҳуқуқий қаролатларини яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилади. Пировардида, Концепцияда қайд этилганидек, “фуқаролик институтлари, нодавлат но-

тижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мубозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда”. Бунда кейинги йилларда қабул қилинган фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган икки юздан ортиқ қонуларнинг аҳамияти катта бўлапти.

Ўз навбатида, Концепцияда бу йўналишда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида” ва “Экологик назорат тўғрисида”ги янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш белгилаб берилди. Шунингдек, ҳозир амалда бўлган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ва “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонуларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштиришни, фуқароларни ижтимоий фаоллаштиришда маҳаллалар аҳамияти ва ролини кучайтириш таъминлашга оид ўзгариш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Концепцияда парламент аъзолари зиммасига бу борада қонун ижодкорлиги билан боғлиқ яна бир вазифа юкланган. Гап шундаки, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамият ва

давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қучайтиришни назарда тутиш ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим бўлади. Бу фуқаролик жамияти институтларининг эмин-эркин фаолият олиб боришини кафолатлашга хизмат қилади.

Маълумки, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан саналади. Шу боисдан Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масалаларида алоҳида устувор йўналиш сифатида уруғ берилган. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **“Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва гоъларини, содир бўлаётган воқеа-**

Ишончимиз комилки, Концепцияда илгари сурилган конституциявий ташаббуслар мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтириши, барқарор ҳамда демократик ривожланиш таъминлашга қудратли ҳаракатлантирувчи кучга айланади. Зотан, буларнинг барчаси юртимизнинг замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашининг ҳам муҳим гаровидир.

ларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз”. Бу мақсадларга эришишда, албатта, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Теледиоразшарҳлаш тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қарорлари тўғрисида”ги каби бир қанча янги қонунларни қабул қилиш, ўз навбатида, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва қаролатлари тўғрисида”, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонулар ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш муҳим аҳамият касб этади. Бу қонунчилик ташаббусларининг рўйга чиқарилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўйга чиқаришга ёрдам беради, албатта.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, тегишли қўмиталар ва барча сиёсий партиялар фракцияларига ана шу қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқ қонун ижодкорлиги жараёнлари қизгин давом этмоқда.

Ақмал САЙДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси.

Яхши хабар

Нуробод туманилик тадбиркор Махмуд Исломов ўзи раҳбарлик қилаётган “Орзубекнинг гуллаган боғлари” фермер ҳўжалиги қошида иссиқхона қуриб, фойдаланишга топширди.

ФЕРМЕРНИНГ ИССИҚХОНАСИ

Қишлоқ мулкдори ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 100 миллион сўм сарфлади. Иссиқхона жамоаси помидор, бодиринг, булғор қалампирининг сингари дастлабки 15 тонна сабзавотни аҳоли дастурхонига тортиқ қилди.

Айтиш керакки, туманда 2010 йили 48 миллиард 225 миллион сўмлик қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етиштирилди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КЎРКАМ БИНОЛАР қишлоқларимизга файз бағишламоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумотларга қараганда, 2010 йилда вилоятда 2,3 минг тонна оҳак, 90 миллион донага яқин деворбоп қурилиш материаллари, 20 минг квадрат метрга яқин дараза ва эшик ромлари, 1,2 миллион дона шифер махсулотлари тайёрланиб, иш суръатлари олдинги йиллардагига нисбатан анча оширилди. Умуман олганда, 2009 йилда 18 миллиард 600 миллион сўмлик, ўтган йили эса 22 миллиард 400 миллион сўмлик яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. Бугунги кунда вилоятда 44 та гишт заводи фаолият юритмоқда. Бу қорхоналар ёрдамида нафақат деворбоп материалларга бўлган талабни қондириш, балки сифатли гишт махсулотларини четга экспорт қилиб, улардан тушган

маблағларга қорхоналарни кенгайтириш, янги технологияларни жорий этиш мақсади ҳам қўзилмоқда. Вилоятда бошқа жойлардан ташиб келтирилаётган қурилиш материалларини шу ерда ишлаб чиқаришга ҳам катта аҳамият берилаяпти. Ўтган йили Урганч шаҳрида йилга 1 миллион 200 минг дона шифер тайёрлаш қувватига эга “Сомхуз-шифер” МЧЖ қорхонаси, Ҳазорасп туманида эса қунига 1500 дона шифер ишлаб чиқариладиган “Назорат роф” қорхонаси ўз фаолиятини бошлади. Натيجанда Хоразм қурилиш материаллари бозорларида анча камёб бўлган шифер бўғунги кунда кўпайди. Унинг таннари ҳам нисбатан арзонлашди. Бундай қорхоналар сони тобора ортиб бораётгани эса қувонарли хол. Қурилиш материал-

лари ишлаб чиқариш ишига тадбиркорлар, фермерлар бoш қўшишга ўтган ҳам эътиборга лойиқ. Масалан, урганчлик тадбиркор Хушдун Рўзметов вилоятда биринчилардан бўлиб буюёқ махсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Вилоятда бундай мисоллар жуда кўп. Асосий мақсад — бозорларни қурилиш ашёлар билан тўлдаришга ва эҳтиёжини қоллашга эришишдир. Дарвоқе, бозорлар ҳақида. Вилоятда 15 дан зиёд қурилиш материаллари бозорлари фаолият юритмоқда. Иморат тиклайман, деган киши уларда истган буюмининг топиши мумкин. Бу бозорларга четдан ташиб келтирилаётган баъзи қурилиш махсулотларининг таннари арзонлаштириш, назорат қилиш чоралари ҳам қўрилмоқда.

Шу билан бирга, вилоят туманларида “Ўзқурилиш-материаллари” акциядорлик компанияси билан келишилган ҳолда, республикамизда йирик қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи қорхоналарнинг 9 та икти-сосслаштирилган фирма дўкони ташкил этилган. Уларда аҳолига жорий биржа котировкаларидан ошмайдиغان нархлар бўйича қўллаб қурилиш ва пардозлаш материалларини сотиш йўлга қўйилган. Бу билан вилоятдаги қурилиш материаллари бозори янада кенгайишига эришилгани алоҳида таъкидлаш лозим.

Демоқчимизки, вилоят аҳли Президентимиз раҳна-моллигида юртимизни обод этишни, юксак турмуш фаровонлигига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Демак, бошқа соҳалар қатори, қурилиш материаллари таъминотида ҳам ҳеч қандай муаммолар бўлмаслиги тайин.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёшларни касбга йўналтириш: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида “Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларини касбга йўналтиришнинг ҳуқуқий масалалари: муаммо ва ечимлар” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Халқ таълими вазирилик хамкорлигида ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланган эди. Хусусан, 2005 — 2010 йиллар давомида республикамизда 7 минг 800 дан зиёд умумтаълим муассасаси, қарий 1 минг 500 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар барпо этилди ва реконструкция қилинди. Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд компьютер техникаси ва мультимедиа ускунаси ўрнатилди.

Қисқача айтганда, жорий йилда таълим муассасаларининг моддий-техника таъминоти янада мустаҳ-

камланди. Бирок бу борада қўрилаётган чора-тадбирларга қарамадан, умумтаълим муассасалари битирувчиларини касб-ҳунар таълими билан тўлақонли қамраб олиш, уларни ўқишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш вазифалари долзарб бўлиб қолаётди.

Шу хусусда сўз борган давра суҳбатида 9-синф

Парламент ҳаёти

Битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қамраб олиш, уларни коллеж ва академик лицейларда ташкил этиладиган очiq эшиклар қуналирига ўзлари қизқинган йўналишлар бўйича жалб этиш ва бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориш лозимлиги айтиб ўтилди. Рақамларга эътибор қаратилган бўлсак, айтиш пайтда республикамиздаги 9776 та умумтаълим мактабига 5 миллионга яқин ўқувчи-ёшлар таҳсил олмақда. Уларни ҳар томонлама зукко, етук салоҳиятли қилиб тарбиялашда, айтиш жоизки, ўқитувчи-педагогларнинг ҳиссаси катта. Шу

боис ўқувчиларни, айниқса, 9-синф битирувчиларининг касб-ҳунар таълими билан тўлақонли қамраб олинишида халқ таълими тизимини ходимлари билан бир қаторда, ота-она, маҳалланинг ҳам масъулиятини бирдек ошириш айти зарурдир.

Маълумки, 2010 — 2011 ўқув йилида мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларини 590 минг 953 нафар ўқувчи-ёш битиради. Уларни ҳозирдан оқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига жалб қилиш билан шугулланиш мақсада муро-бўлиб қолаётди. Шунингдек, қайд этилганидек, ҳудудларда ташкил қилинган ташхис марказлари фаолиятини тубдан яхшилаш, улар фаолиятига баҳо бериш механизмларини қайта қўриб чиқиш, шунингдек, 9-синф битирувчиларининг ўзлари қизқинган йўналишлар бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини танлаш натижалари учун ташхис марказлари ҳамда умумтаълим мактаблари ва синф раҳбарларининг жавобгарлигини кўзда тутиш ҳолда, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарур.

Давра суҳбатида иштирокчилар муҳокама этилган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ва шу асосда қўмитанинг тегишли тавсиялари ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

ИЖОДКОР ВА ЗАМОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давра суҳбатида Ёзувчилар уюшмаси Бадий кенгашлари олдига турган муҳим вазифалар хусусида ҳам мулоҳазалар билдирилди. Юртимизнинг энг олиқ худудларида шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар иштирокида учрашувлар ташкил этиш, шаҳар ва қишлоқларда ижод қилаётган ёшларни кашф этиш, моҳир таржимонларни тарбиялаш, бадийиятдан ироқ, англис-еполи асарларнинг чоп этилишига йўл қўймаслик каби вазифалар Бадий кенгашлар зиммасидаги муҳим йўналиш эканлиги айтиб ўтилди.

Бугун дунёнинг айрим давлатларида ахлоқсизликларнинг, маънавий тубанликларнинг оддий ҳолга айлиниб бораётгани қалби уйғок одамни жиддий ташвишга солиши аниқ. Шу маънода, Президентимизнинг адабиёт ахлига муражаатига қуйидаги фикрлар алоҳида диққат-эътиборга молик: “Бугунги му-

раккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятни эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзулгика, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка давлат этишга қаратилган ҳарорати сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни ёзувчи “Ўй одамзод, қўзингни оч, сен нима учун яшаясан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қилаясан?” деган саволларни китобхон олдига, жамият олдига катъий қилиб қўя олсагина, йўлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади”.

Давра суҳбатида ушбу таъкидлар уюшма ва ҳар бир ижодкор фаолиятида дастуриламал бўлиши зарурлиги қайд этилди. Зеро, шаклдан қатъи назар, барча бадий асарлар миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятларнинг энг ибратли жиҳатларини тарғиб этишга хизмат қилиши айти мудоаодир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу муҳим ҳуқуқий ҳужжатларда жисмоний тарбия ва спортнинг ҳар қайси шаҳар ҳамда қишлоқ, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш, ёш авлод қалбида ирода, мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, ҳаётимизда соғлом муҳитни янада мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадлар назарда тутилган.

Республикамизнинг барча худудларида қад ростлаётган бири-биридан кўркам, замонавий спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари ва уларда шугулланиб, халқаро ареналарда мубаффақиятга эришаётган ўғил-қизларимиз сони тобора ортиб бораётгани, энг муҳими, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи чуқур қарор топаётгани маъзур ишларнинг амалий натижаси сифатида намоён бўлмоқда. Биргина 2010 йилнинг ўзида 69 та спорт маскани, 26 та сузиш ҳавзаси ва 46 та музика мактабига бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари, 97 та спорт мажмуаси, 3,2 млрд. сўмлик

спорт анжомлари ҳамда ускуналари билан тўлиқ таъминлангани эътибор ва гамхўрлик қўлами нақадар юксак экани ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Шунингдек, ўтган йили дунёда катта нуфузга эга бўлган Франциянинг “Gerflor” компанияси томонидан 32 та болалар спорт мажмуаси по-лига замонавий сунъий тўшама қопланди. Ушбу жараёнларда бевосита қатнашган ташкилотнинг тижорат ишлари бўйича директори Леонель Арлин мамлакатимизда болалар спорти равнақи учун яратилаётган қулайликлар ҳақида шун-

ри, дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларида иш юзасидан сафар уюштирилган. Уларнинг барчасида махсулотларимизни фажат марказий шаҳарларнинг спорт инфратузилмаларига етказиб берганмиз. Ўзбекистонда эса спорт, айниқса, болалар спортига барча худудларда давлат томонидан бирдек эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдим. Ёш авлод ўртасида спортни оммалаштиришнинг бундай пухта ўйланган механизми қўйил қолдим”.

Дарҳақиқат, хорিজлик ишбилармон айтганидек, ана шу механизмда ҳар бир жишт алоҳида эътиборга олинган. Фар-

миқсидига 79 та биринчилик, 11 ўқув-машғулот йиғинида 15 278 нафар ўқувчи қатнашди. Уларнинг 7 390 нафари қизлардир. Қолаверса, спорт билан шугулланувчи ёшларга Ҳиндистон, Россия, Франция, Германия, Латвия, Корея Республикаси, Бельгия, Малайзия, Таиланд каби давлатлар мезбонлик қилган халқаро мусобақалар, ўқув-йиғин машғулотлари ва фестивалларда иштирок этиш имконияти яратиб берилди.

Дунё майдонларидаги чемпионатларда вакилларимиз спортнинг теннис, бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, стол теннис, юнон-рум кураши, эркин ку-

да қизларнинг ҳар томонлама соғлом, гўзал ва латофатли бўлиб вогага етишига хизмат қилаётган бадий гимнастика, гимнастрада, теннис, сузиш, синхрон сузиш, стол теннис каби спорт турлари тобора оммалашмоқда. Ана шу эътиборга муносиб бўлиб, юртимиз доврғуни дунёга танитишга ҳисса қўиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Чиндан ҳам, юртимизда қизларни спортга кенг жалб этиш, бу борада гимнастика спорт турлари ривожига берилаётган эътибор қисқа мuddатда ўз самарасини кўрсатди. Хусусан, 2010 йилда пойтахтимиз бадий

да кизларнинг ҳар томонлама соғлом, гўзал ва латофатли бўлиб вогага етишига хизмат қилаётган бадий гимнастика, гимнастрада, теннис, сузиш, синхрон сузиш, стол теннис каби спорт турлари тобора оммалашмоқда. Ана шу эътиборга муносиб бўлиб, юртимиз доврғуни дунёга танитишга ҳисса қўиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Чиндан ҳам, юртимизда қизларни спортга кенг жалб этиш, бу борада гимнастика спорт турлари ривожига берилаётган эътибор қисқа мuddатда ўз самарасини кўрсатди. Хусусан, 2010 йилда пойтахтимиз бадий



БАРКАМОЛ АВЛОД эзгу мақсадларга эришишнинг таянчи ва суюнчидир

дай фикр билдирди: “Узоқ йиллардан буён спорт индустрияси соҳасида фаолият юритиб келаялган. Шу давр мобайнида саккизта Олимпиада ўйинларига тайёргарлик қўришда иштирок этдим. Бундан ташка-

ландларимизнинг соғлом бўлиб улғайишида жойларда ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари ҳам муҳим аҳамият касб этаётди. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасидаги “Соғломжон — повножон”, мактаб ўқувчиларининг “Кувноқ стартлар”, “Олимпиада умидлари”, “Ёзги таътил”, қўл тўпи бўйича қизларнинг “Асалим” ва ўғил болаларнинг “Шумбола” мусобақалари, “Барқамол ниқоғлар”, “Баҳор маликалари”, “Чимён садоси” фестиваллари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, “Қамолот маликаси”, “Қамолот” шахмат тахтаси”, “BABY Cup”, “Маҳалламиз паҳлавонлари”, “Футболчимиз келажиги” каби спорт мусобақаларида қатнашувчилар сони ҳам йил сайин ортиб бораётди. Умуман олганда, 2010 йил давомида жамгарма томонидан ташкил этилган республика

раш, дзюдо, таэквондо, сузиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, сул полеси каби турларига 85 та олтин, 47 та кумуш ва 39 та бронза медалига сазовор бўлганлиги эътиборлидир. 2010 йил август ойда Сингапурда ўсмирлар ўрта-синда ташкил этилган I Олимпиада ўйинларида вакилларимиз юнон-рум кураши, эркин кураш, дзюдо, бокс каби жиддий рақобат бoй турлардан 3 та кумуш, 6 та бронза медалини қўлга киритдилар. Уларнинг орасида Нурбек Ҳаққулов, Руслан Комилов, Нилуфар Ғадоева, Диярбек Эргашев, Мансурўжа Муминўжаев каби повноларимиз, Аҳмад Мамажонов, Зоҳид Хурбoв, Сардор Беғалиев сингари “чарм қўлқоп” усталаримиз бор.

— Спорт — жисмоний ва маънавий қамолот гарови, — дейди мана шундай ихтидор эгалардан бири, бадий гимнастика бўйича Осиё чемпиони Азиза Мамажoнова. — Мамлакатимиз

гимнастика бўйича Осиё чемпионатида мезбонлик қилди ва унда вакилларимиз мубаффақиятга ишгирок этишди. Шунингдек, ўтган йил давомида вилоятларда фаолият олиб бораётган мураббий ва спортчи қизлар ўртасида ўқув-амалий семинарлар, тахриба алмасиш суҳбатлари ўтказилгани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Масалан, Буюк британиялик таник мутахассис, Халқаро гимнастика федерацияси академикси эксперти Надя Александрoва иштирокида ташкиллаган шу йилдаги тадбирда 450 нафарга яқин мураббий малака оширди.

Хотин-қизлар спортини оммалаштиришда ташкил этилаётган турли мусобақалар ҳам муҳим ўрин тутмоқда. “Аёллар спорт фестивали”, “Гимнастрада фестивали”, англис атлетика бўйича “Баҳор маликалари” каби мусобақалар фикрларимиз тасдиғидир. Шулардан

бири — Фарғона шаҳрида 1999 — 2001 йилларда турилган ўқувчи қиз ва ўғил болалар ўртасида спорт гимнастикаси тури бўйича ташкил этилган мусобақалар жўшқинлик бoбида эсда қоларбий бўлди. Халқ таълими вазирилиги тизимидаги футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг 1997 — 1998 ва 1995 — 1996 йилларда турилган ўсмирлар орасида ташкил этилган “Футболчимиз келажиги” турнири ҳам қизиқарлилиги жиҳатидан асло қолишмади. Аллақачон футболчи болаларнинг ўзига ҳок су перлигасига айлиб улғурган чемпионатнинг очилиш ўйинини ФИФА ҳақами Равшан Эрматов бошқарди. Бу мурғак “чарм тўп” усталарининг яшил майдонда ўзларини жаҳон юлдузларидек ҳис қилишлари ва шунга яраша иштиёқ билан футбол ўйнашларига туртки бўлди.

— Бизда барча спорт билан

ҳамнафас, — дейди Халқ таълими вазирилиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси оммавий тадбирларни ташкил этиш бўлими бошлиғи Хусан Насруллаев. — Ўтган йили ташкиллаган нoғирон болаларнинг VII Паралимпий ўйинларида 120 нафар ёш қатнашди. Унинг очилиш маросимида қатнашчилар кикбоксинг бўйича турт қарра жаҳон чемпиони Олмос Юсупов билан суҳбатлашди. Бу эса уларнинг галабага бўлган иштиёқини янада кучайтирди. Қолаверса, кўзи ожиз болалар ўртасида мини-футбол турнири уюштирилди.

Мазкур ҳаётбахш тадбирлар исчи давом эттирилмоқда. Зеро, олдимизга қандай мақсад қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширмайлик, унинг асосида, аввало, жисмоний ва маънавий соғлом болаларимизнинг бахти ва нури келажигини қўриш мужассамдир.

Сайджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири. **Шомурот ШАРАТОВ,** Ҳусан ПАЙДОЕВ оғлон сураглари.



